

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВА ГУЛИ ХАЙИТМУРОД ҚИЗИ

**МАТЁҚУБ ҚЎШЖОНОВ ИЖОДИДА БАДИИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК
ТАЛҚИН УЙЎНЛИГИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 821.512.133 (092) Қўшжонов М. (043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

Шукурова Гули Хайитмурод қизи

Матёқуб Қўшжонов ижодида бадиий ва публицистик талқин уйғунлиги 3

Shukurova Guli Hayitmurod kizi

Harmony of artistic and publicistic interpretation in the work of
Matyokub Kushjanov 25

Шукурова Гули Хайитмурод қизи

Гармония художественной и публицистической интерпретации
в творчестве Матякуба Кушжанова 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВА ГУЛИ ХАЙИТМУРОД ҚИЗИ

**МАТЁҚУБ ҚЎШЖОНОВ ИЖОДИДА БАДИИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК
ТАЛҚИН УЙЎНЛИГИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fil.759 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.fai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назаров Бахтиёр Аминович

Филология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Каримов Баҳодир Нурматович

Филология фанлари доктори, профессор

Улуғов Абдулла Ўзбекович

Филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» март соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (71) 233-36-50; fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёдилар кўчаси, 13. Тел.: (71) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил «16» феврал да тарқатилди.
(2022 йил 16 февралдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

Н.Ф. Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., академик

Р. Баракаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

И.Ч. Ҳаққулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, филол.ф.д., проф.



КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчи публицистикаси, яъни олим ва ёзувчи-ижодкорлар яратган мемуарлар, эссе, бадиа, эссе-роман, ёзувчи қайдлари, кундаликлар, хусусан, ҳужжатли мемуаристикага уларнинг ижодий лабораторияси ва ибратли ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манба сифатида қаралади ҳамда изчил тадқиқ этиб келинади. Зотан, иждоқор яшаган даврнинг етакчи тамойиллари, ижтимоий ҳаёт ҳамда адабий жараёндаги янгиланиш, ўзгаришлар муаллиф дунёқарашининг шаклланишида, ўз “мен”ини намоён этишида асосий мезонлар сирасидандир. Бинобарин, адиб ижодий лабораториясига чуқурроқ кириш, асарларида тасвирланган давр ҳаёти ва унинг турфа манзаралари, жамият муаммолари, адабиёти, санъати, тарихи ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишда бадий-публицистика намуналарини тадқиқ этиш муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришга имкон яратади.

Дунё адабиётшунослигида нафақат шоир ва ёзувчилар ижодий лабораторияси, балки олим шахсининг ҳам ижодий лабораторияси, илмий ва бадий-публицистик асарларининг яратилиш тарихи, хусусан, мемуар адабиётда синтез шаклда воқе бўлувчи илмийлик, бадийлик, факт ва ҳужжатлилик, муаллифнинг таржимаи ҳоли, болалиги, босиб ўтган умр йўли ҳақидаги хотиралар табиатидаги бадий-публицистик талқин уйғунлиги, иждоқор шахсининг ҳаёти ва ижодий тарихини батафсил ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослиги тарихида ёрқин из қолдирган академик Матёқуб Қўшжоновнинг мустақиллик даврида яратган эссе-хотиралари, ён дафтар қайдлари, адабий портретларини ўрганиш, уларни ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги контекстида тадқиқ этиш, давр талабидан келиб чиқиб янгича тамойиллар асосида талқин қилишни тақозо этади. Атоқли олим ўзбек адабий танқидчилиги тарихида ўзига хос илмий-таҳлилий мактаб яратди. Олимнинг 50 дан ортиқ монографиялари, 500 дан зиёд илмий, публицистик мақолалари адабиётимиз тараққиётида муҳим босқич бўлди. Зеро “...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹. Шу маънода, истиқлол даври адабиётшунослигида кузатилаётган янгича ёндашувлар асосида Матёқуб Қўшжонов хотиралари, мемуар романлари, ён дафтар қайдларида акс этган ҳаётнинг реалистик талқини ва уларда тасвирланган қаҳрамонлар ижтимоий-маънавий оламини миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар нуқтаи назаридан ёритиш, Шарқ ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон иждоқор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 4 август.

Ғарб адабиётига хос хотиранавислик хусусиятларининг синтезлашуви, бадий-публицистик ифодаси каби масалаларни тафаккурдаги янгиланиш ва ижодий уйғунлик ҳосиласи сифатида тадқиқ этиш мазкур ишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4947-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги ВМҚ-304-сон “Олий ўқув юртдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, мазкур соҳалар фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчи публицистикаси муаммоси турли аспектларда, жумладан, этик, эстетик, журналистик, тилшунослик нуктаи назаридан ўрганилган¹.

Ўзбек адабиётшунослигида XX аср ўзбек бадий публицистикаси ва тараққиёт тенденциялари, жанрлари, муҳим тамойиллари, назарияси, мавзу ва услубий, лисоний хусусиятлари, журналист этикаси, ижодкорларнинг адабий-эстетик қарашлари каби муаммоларнинг айрим жиҳатларига О.Тоғаев, М.Худойқулов, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Х.Дўстмухаммедов, У.Султонов, А.Абдумуратов, Ҳ.Саидов, С.Йўлдошбекова, Л.Тошмухамедова, С.Тўлаганова, М.Қўчқорова, Б.Жамилова, С.Қурбонова, Ҳ.Ғойипова, Ф.Бурҳонова сингари адабиётшуносларнинг илмий изланишларида эътибор қаратилган².

¹ Журбина Е.В. Теория и практика художественно-публицистических жанров. – М.: Мысль, 1969. – 399 с; Черепанов М.С. Таинство мастерства публициста. – М.: Мысль, 1984. – 150 с; Учёнова В.В. У истоков публицистики. – М.: МГУ, 1989. – 214 с; Стюфляева М.И. Поэтика публицистики. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1975. – 153 с; Стюфляева М.И. Образные ресурсы публицистики. – Мысль, 1982. – 176 с; Прохоров Е. Искусство публицистики. – М.: Советский писатель, 1984. – 360 с; Здоровета В.И. Публицистика, её природа, общественная роль, гносеологические и психологические основы. – М.: Мысль, 1989. – 160 с; Кайда Л.Г. Эффективность публицистического текста. – М.: Московского университета, 1989. – 183 с; Тот же автор. Композиционная поэтика публицистики. – М.: Наука, 2006. – 144 с.

² Тоғаев О. Ўзбек бадий публицистикаси (назария ва маҳорат масалалари). – Тошкент: Фан, 1973. – 207 б; Худойқулов М. Ўзбек бадий публицистикасининг шаклланиш тамойиллари (XIX аср охири XX аср ўрталари ўзбек матбуоти материаллари асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – 293 б; шу

Матёқуб Қўшжонов ҳаёти ва ижоди, адабий танқидий қарашлари, тадқиқотлари хусусида диссертацион ишларда, тақриз, юбилей мақола ва хотира китоб шаклида талай ишлар қилинди¹. Бироқ олимнинг мемуар романлари, хотиралари, эссе ва адабий портретлари ҳали алоҳида фундаментал тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Мазкур муаммонинг ўзбек адабиётшунослигида яхлит ва тизимли тарзда ўрганилмагани масаланинг монографик тадқиқ этилиши муҳимлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ишлар режасидаги ФА-Ф1-80 “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” (2017–2020) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Матёқуб Қўшжонов мемуар асарлари орқали олимнинг таржимаи ҳоли, таълим ва таҳсил йўллари, у яшаган давр ва муҳит, ижтимоий ва адабий ҳаёт, ижодкор шахсияти, академик олим дунёқараши ва адабий-танқидий қарашларининг шаклланиши, шахс ва ижодкор сифатида камол топишининг асослари, ёзувчи публицистикасига доир қатор илмий-назарий муаммолар нуқтаи назаридан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Матёқуб Қўшжонов мемуар асарларида одамларнинг яшаш тарзи, орзумидлари, интилишлари давр ўзгариши билан турлича мазмун касб этиши,

муаллиф. Бадиий публицистика жанрлари (ўқув кўланма). – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети босмаҳонаси, 2004. – 54 б; Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилolari. – Тошкент: Фан, 1991. – 64 б; Шу муаллиф. Қодирийшунослик қирралари. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 204 б; Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. – 400 б; Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 29 б; Абдумуратов А. Публицистика Т.Каипбергана: специфика, тематика, жанрово-стилистические особенности: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1997. – 21 с.; Саидов Ҳ. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол.фан.номз...дис. – Тошкент, 1998. – 137 б.; Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол. фан.номз...дис.автореф. – Тошкент, 2002. – 30 б.; Тошмухамедова Л. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари: Филол.фан.номз...дис.автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.; Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди): Филол.фан.д-ри ... дисс.автореф. – Тошкент, 2019. – 70 б.; Кўчқорова М.Х. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2004. – 134 б.; Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2004. – 155 б.; Курбонова С. Ёзувчи публицистикасининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Муҳаррир, 2012. – 128 б.; Гаипова Ҳ.Қ. Матназар Абдулҳакимнинг бадиий ва публицистик маҳорати: Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD) дис...автореф. – Тошкент, 2019. – 54 б.; Бурхонова Ф.А. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Н.Эшонкул ва У.Ҳамдам ижоди мисолида): Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.

¹ Назаров Б., Расулов А. Аҳмедова Ш. Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012; Султон И. Олимнинг жасорати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998, 12 июнь; Назаров Б. Изчиллик (Адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов ижодиёти ҳақида) // Совет Ўзбекистони. – 1989, 11 январь; Шу муаллиф. Сабргул // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005, 19 август; Умиров С. Мерган эсдаликлари // Совет Ўзбекистони, 1990, 26 июнь; шу муаллиф. Адабиётимиз синчиси эди // Моҳият, 2005, 19 август; Мелиев С. Таҳлил ва талқин ёхуд адабиётшунослиқда “Қўшжонов мактаби” / XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 2012. – Б. 140-147; шу муаллиф. Хотиранавис / Матёқуб Қўшжонов. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 10-16; Каримов Б. Академик Матёқуб Қўшжонов сабоқлари / Матёқуб Қўшжонов. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 3-9; Каримов Ш. Устоз ибрати // Ҳуррият, 2007, 16 май; Аҳмедова Ш. Танқидчи маҳорати хусусидаги изланишлар / Адабиётшунослиқнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Тафаккур, 2020. – Б. 37-42; Бегимов Ў. Матёқуб Қўшжонов ижоди О.Шарафиддинов талқинида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2020. №3; Матёқуб Қўшжонов замондошлари хотирасида (тўплаб нашрга тайёрловчи: А.Бобониезов) – Тошкент: Муҳаррир, 2012. – 272 б.

адиб билан мулоқотда бўлган оддий жангчилар, давлат раҳбари ва арбоблар, олим ва ёзувчилар шахси, дунёқараши ва илмий, ижодий қарашлари билан боғлиқ масалаларни жаҳон ва ўзбек адабиётшунослиги контекстида қиёслаш;

муаллиф болалигини, дунёқарашининг шаклланиш жараёнларини, дунёни ва инсониятни англашга интилишининг бадий-публицистик талқинларини “Дагиш” мемуар романидаги қаҳрамонлар образи таҳлили асосида ёритиб бериш;

“Тепки босилди...” ва “Алам” асарлари таҳлили орқали Иккинчи жаҳон уруши фожиаларининг бадий-публицистик услубда реалистик ифода этилиши, уруш манзаралари тасвири ва жангчилар қисмати билан боғлиқ характерли эпизодлар тадқиқи асосида муаллиф қўллаган усулларни кўрсатиб бериш;

“Дийдор” ҳамда “Армон” номли китоблардаги хотираларда таниқли давлат арбоблари Ш.Рашидов, Н.Муҳиддинов ва И.Каримов портретига чизгиларда, жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган Ҳ.Абдуллаев, О.Содиқов каби академиклар, ҳамкасб олимлар, ёзувчи ва шоирлар фаолиятига доир кузатишларида ҳаётий, илмий-бадий мантиқ устуворлигини муаллиф ижодининг ўзига хос хусусияти сифатида белгилаш;

адиб мемуарларини унга замондош бўлган адибларнинг хотиралари билан қиёслаб ўрганиш асосида шахси, адабий-эстетик принциплари ва образ яратиш маҳоратини ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини М.Қўшжоновнинг бадий публицистик ижоди, хусусан, “Тепки босилди...”, “Алам”, “Дагиш”, “Армон”, “Дийдор”, “Кўнгилда қолиб кетган гаплар” каби хотира ва эсселари, мемуар романлари ташкил этади. Ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, зарур ўринларда олимнинг илмий асарлари ҳам таҳлилга тортилган.

Тадқиқотнинг предметини ёзувчи публицистикасининг янги жанрлари тарихий-биографик бадиа, мемуар роман, хотира, эссе, адабий портретларда бадий ва публицистик талқин уйғунлигини Матёқуб Қўшжонов ижоди мисолида тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда аналитик, қиёсий, тарихий-биографик, герменевтик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

академик Матёқуб Қўшжоновнинг тарихий-биографик бадиаси, мемуар романи, эссе, хотира, адабий портретлари хужжатли мемуар адабиёт сифатида ёзувчи публицистикаси орқали ижодкор таржимаи ҳоли, муаллифнинг босиб ўтган умр йўли, яъни илмий-ижодий фаолиятини янада ёрқинроқ кўрсатиш мумкинлиги асосланган;

олимнинг бадий публицистикаси асосида этик-эстетик кредоси, адабий-танқидий дунёқарашининг шаклланиш омиллари, қишлоқ шароити, маҳалла-қўй, ота-она, қавму қариндош, ҳаллангликлар, маҳаллий ва миллий анъанавий урф-одатлар, уруш майдонидаги қонли жанглар, таълим йиллари, аспирантура, устозлар, замондошлар ҳамда адабий муҳитнинг Матёқуб Қўшжонов адабий-эстетик дунёқараши шаклланишидаги ўрни аниқланган;

муаллифнинг “Дагиш”, “Алам” мемуар асарларида тасвирланган шўролар ҳокимиятининг даҳшатли фожиалари, хусусан, 30-йиллар қатағон сиёсати, даврнинг мислсиз зуғум-зўравонликлари, қашшоқлик, очарчилик ижтимоий иллат сифатида шахсларни синдиргани, Иккинчи жаҳон уруши воқеалари, хотиранависнинг қонли жанг майдонларидаги жангчи-аскар, мерганлик (снайперлик) қилгани реал ҳаётий тасвирларда ҳужжатлилик ва фактографиклик асосида ёритилгани кўрсатиб берилган;

олимнинг “Дийдор” асаридаги Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида кечган илмий-ижодий фаолияти, замондошлари, таниқли давлат арбоблари, атоқли олимлар, ёзувчилар, мусаввир ва тиббиёт ходимларининг адабий-ижодий портретлари, уларда қўлланилган холислик, ҳаётийлик, хотиравийлик, ретроспектив сюжет, қаҳрамонни ўз тилидан гапиртириш усули, публицистика унсурлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Матёқуб Қўшжоновнинг тарихий-биографик бадиа, мемуар роман, хотира, эссе, адабий портретлари таҳлили воситасида муаллифнинг таржимаи ҳоли, ибратли умр йўли, қолаверса, замондошлари, давр ва замон фожиалари муаллифнинг жонли ва ҳаётий ҳикоя усули орқали аниқланган;

муаллиф мемуаристикасида намоён бўлган ҳужжатлилик, ҳаётий фактларни саралаб бериш тажрибаси, олим ва шахс иждодий “мен”ининг шаклланишидаги қатор омиллар, таъсирлар, ўқиб-изланишлар, хотиранавис иждодкор маҳорати таҳлиллар орқали очиб берилган;

ёзувчи мемуарларида реалистик тасвир усулининг етакчилиги, воқеалар моҳияти ва қаҳрамонлар характери кирраларини очишда бадиий тасвир воситаларининг публицистик талқин билан уйғунлиги муаллифнинг бир қатор эссе, хотира, мемуар романларининг таҳлили орқали далилланган;

Матёқуб Қўшжонов мемуарларида акс этган, салкам 80 йиллик тарихий, ижтимоий-сиёсий, адабий ҳаёт таҳлили, айниқса, шўро даврида кечган таҳликали йиллар ва ҳаёт манзаралари, давлат раҳбари, олимлар ва ёзувчилар қисмати баёни орқали давр ва шахс фожиасининг реалистик тасвирлари хотиранавис маҳорати туфайли собиқ шўро даври тарихини, муайян тарихий лаҳзаларини акс эттирган ҳужжатли-илмий мемуар асарлар экани илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг аниқ қўйилгани, тадқиқот усулларининг илмий мақсадга мувофиқлиги, мавзуни ёритишда илмий-назарий манбаларга таянилгани, тадқиқот юзасидан олиб борилган илмий изланиш ва чиқарилган хулосаларнинг илмий-назарий характердалиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик даври ўзбек адабиётида кенг ривожланган ёзувчи публицистикаси ва унинг янги жанрлари саналган мемуар роман, эссе, хотира, адабий портрет жанрларининг юзага келиши, илмий-ҳужжатли мемуаристиканинг шаклланиш тамойиллари ва ушбу жанрга доир иждодий йўналишларни ўрганишда, мемуар асарларда иждодкор шахсияти, илмий ва бадиий иждоднинг ўзаро услубий уйғунлиги, адибнинг

ижодий лабораторияси ва адабий-эстетик қарашларига оид мавзулар таҳлилини янгича талқинлар билан бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги хулоса ва тавсиялардан ўзбек адабиётшунослигида алоҳида йўналиш тарзида шаклланган илмий-ҳужжатли мемуаристикани ўрганишда, олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинар машғулотларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Матёқуб Қўшжонов ижодида бадиий ва публицистик талқин уйғунлиги бўйича олиб борилган тадқиқотдан олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

муаллифнинг “Дагиш”, “Алам” мемуар романларида тасвирланган шўролар ҳокимиятининг даҳшатли фожиалари, хусусан, 30-йиллар қатағон сиёсати акс этган эссе-қисса, мемуар асарларни қиёсий-чоғиштирув, типология ҳамда адабий таъсир усулларида таҳлил ва тадқиқ натижаларига оид илмий хулосалардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА–Ф1–ГО40 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” (2012–2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 12 январдаги 3/1255-90-сон маълумотномаси). Натижада мемуар адабиёт муаммолари, адабий портрет билан боғлиқ назарий маълумотларнинг бойитилишига муҳим асос бўлган;

“Дийдор”да баён қилинган М.Қўшжоновнинг Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида кечган илмий-ижодий фаолияти, атоқли олимлар, ёзувчилар ҳақидаги адабий-ижодий портретларидан ФА-Ф1-80 “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” (2017–2020) ва ОТ-Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” (2017–2021) фундаментал лойиҳаларида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 5 июлдаги 3/1255-1965-сон маълумотномаси). Натижада муаллифнинг босиб ўтган умр йўли, яъни илмий ижодий фаолиятини теранроқ ўрганиш, мемуар асарларни қиёсий текширишга хизмат қилган;

ўзбек адабиётшунослигининг йирик танқидчиларидан бири, академик, филология фанлари доктори М.Қўшжоновнинг ҳаёти ва ижоди, муаллифнинг узоқ йиллик адабий-танқидий фаолияти ҳақида маълумотларни ўрганишда; М.Қўшжоновнинг ўзбек мемуаристикасидаги тизимли ижодий фаолияти, хусусан, “Тепки босилди”, “Алам”, “Дагиш”, “Дийдор” мемуар-роман, хотира, эссе, адабий портретлар ҳақида муайян тасаввур ва маълумот олишда “Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоячилиги” илмий лойиҳасини яратишда фойдаланилган (Туркия жумҳурияти, Артвин Чорух университетининг 2021 йил 13 июлдаги Е.6578-сон маълумотномаси). Натижада мемуар асарларда ижодкор шахсияти, ёзувчи публицистикасида илмий, бадиий, публицистик ижод синкретизми, М.Қўшжонов адабий-эстетик қарашларига оид илмий-назарий муаммоларни тадқиқ этишда асос бўлган;

М.Қўшжонов бадиий публицистикасини ўрганиш орқали олимнинг муҳим этик-эстетик кредоси, адабий-танқидий дунёқараши шаклланишидаги омиллар, ўзбек адабиётида хотира жанри, мемуар асарларнинг ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятларига оид таҳлилий натижалардан “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Адабий жараён”, “Бедорлик” эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда (2020–2021 йил январь-февраль-март ойларида) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Адабий жараён” адабий, илмий-маърифий кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 3 майдаги 04-25-675-сон; “Маданият ва маърифат” телеканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 28 июндаги 01-16/127-сон маълумотномалари). Натижалар татбиқи адабий-маърифий кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий асосларга бой бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида ўқилган маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 1 та, шу мақомдаги республика журналларида 4 та, шунингдек, бошқа хорижий ва маҳаллий нашрларда 15 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги таъкидланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилгани ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Матёқуб Қўшжонов илмий-ижодий мероси ва унинг ўрганилиши”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл **“Матёқуб Қўшжонов ҳаёти ва ижодий йўли”** деб номланади. Бу фаслда академик, адабиётшунос ва мунаққид М.Қўшжонов илмий-ижодий меросининг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тараққиётида тутган ўрни, унинг ўрганилиши масалалари тадқиқ этилган.

Олимнинг ҳаёти ва ижоди, ижтимоий, илмий ва адабий фаолиятини шартли равишда қуйидагича учта гуруҳга ажратиб, таснифлаб ўрганиш

мумкин: 1. Ижтимоий биографияси; 2. Илмий биографияси; 3. Адабий-бадий биографияси.

Фаслда олимнинг ижтимоий биографияси сифатида жамият илм-фани тараққиёти йўлида олиб борган ташкилий ишлари, Тил ва адабиёт институтида кечган қизгин, курашларга бой илмий-ижодий фаолиятга раҳбарлик қилган даврларни ўз ичига қамраб олувчи кузатувлар ўрин олган.

Олимнинг илмий биографияси замонавий ўзбек адабиёти, адабий жараён муаммолари бўйича ёзилган кўплаб монография, рисола, мақола, тақризлардан иборат.

М.Қўшжоновнинг матбуот юзини кўрган илк мақолаларидан бири Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романига бағишланган бўлиб, “Формирование характера” (“Характернинг шаклланиши”) 1957 йил “Звезда Востока” журналида эълон қилинган эди. Бу мақола бадий асарга янгича ёндашилгани ва таҳлилнинг ўзига хослиги билан таниқли олимларнинг назарига тушди. Л.Бать, З.Кедрина, И.Черноуцан, П.Қодиров каби олим ва ёзувчилар мақола ҳақида ижобий фикр айтдилар. Иззат Султон ўша кезларда “Правда Востока” газетасида босилган ёш мунаққидлар асарларига бир сидра баҳо бериб ўтган мақоласида Матёқуб Қўшжоновнинг ушбу тадқиқотини адабиётшуносликда катта воқеа сифатида эътироф этади.

М.Қўшжонов илм оламига катта ҳаётий тажриба билан бирга етарлича назарий билимларни эгаллаб, бадий ижод сирларидан муайян даражада хабардор бўлгандан сўнг кириб келди. Унинг “Ҳаёт ва бадий ижод” номли мақоласи мунаққид илмий концепциясининг асосини белгиловчи дастурий тадқиқотлардан бири дейиш мумкин.

Унинг изланишлари марказида XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндалари – Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ижоди туради. Олим бу атоқли сўз санъаткорлари асарларининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири сифатида уларнинг поэтик оламини чуқур илмий таҳлиллар билан очиб берди. Ушбу фаслда олимнинг А.Қодирий ҳақида ёзилган “Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати”, “Ўзбекнинг ўзлиги”, Ойбек ҳақидаги теран кузатишларга бой “Ойбек маҳорати” китоби ва туркум мақолалари, У.Норматов билан ҳамкорликда ёзган “Маҳорат сирлари”, кейинчалик битилган “Абдулла Қаҳҳор маҳорати” каби тадқиқотлари етакчи концепциялари умумлаштирилиб, мазкур изланишлари туфайли олим қодирийшунос, ойбекшунос ва қаҳҳоршунос деган ҳақли эътирофни қозонгани ёритилади.

М.Қўшжоновнинг адабий-бадий биографияси эса “Тепки босилди... Снайпер хотиралари” (Тошкент, 1990), “Алам” (Тошкент, 1996), “Дагиш” (Тошкент, 1997), “Дийдор” (Тошкент, 2004), “Армон” (Тошкент, 2007) номи остида чоп этилган бадий-публицистик хотиралари, тарихий-биографик бадиа ва мемуар романидан иборат. Бу асарлар тадқиқотнинг кейинги бобларида алоҳида ўрганилади.

“Мунаққид шахсияти ва илмий-услубий ўзига хослигини ўрганиш масалалари” номли иккинчи фаслда адабиётшуносликда олим шахсияти ва услубий ўзига хослиги масаласининг ўрганилиши ҳақида сўз юритилади.

М.Қўшжонов шахсиятига хос хислатлар ҳақида гап кетганда, аввало, уни яқиндан билган, ёнма-ён бирга ишлаган ҳамкасблари, ёр-биродарларининг дил сўзлари, олим ҳақидаги илмий мақолалар, тадқиқотлар ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Лекин булардан ҳам муҳим бир манба борки, бу олимнинг тадқиқотлари, уларда акс этган илмий концепция, таҳлил усулларидаги ўзига хослик, холислик ва принципиаллик, шунингдек, кўнгил кечинмалари битилган эссе ва хотиралар – булар барчаси олим шахси ҳақида тасаввур ҳосил қилишда муҳим омиллар ҳисобланади.

Олимнинг бадиий асар талқинидаги синчилик маҳорати, энг аввало, ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёни ва характерлар психологизмини чуқур мантиқий далиллар билан асослашида кўринади. Бу унинг бадиий асар таҳлилидаги ўзига хос услубини белгилайди.

М.Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигига характер муаммосини олиб кирди. У ўнлаб ёзувчилар, шоирлар ижодини характер муаммоси нуқтаи назаридан ўрганди.

Ҳ.Умутов М.Қўшжоновнинг мунаққидлик маҳоратини А.Қодирий ва Ойбек романлари тадқиқига бағишланган тадқиқотлари таҳлили орқали ёритади. “Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати” китобида ёзувчининг санъаткорлиги, аввало, романда тасвирланаётган тарихий даврнинг қайси жиҳатлари қандай акс этгани билан, адиб қай даражада янги сўз айта олгани, асардаги образлар, характерларни бадиий унсурлар, ҳаққоний деталлар орқали таҳлил қила олишида, деб белгилайди. “Ана шу таҳлилни, ўрни келганда, ўзининг ҳис-ҳаяжони, “дарди” ва эътиқоди билан, публицистик руҳ ва фалсафийлик билан чархлайди”¹ деб ёзади Ҳ.Умутов. Бу фикрлар М.Қўшжонов илмий услубининг ўзига хослигини аниқ-тиниқ ифодалаган.

Ў.Ўтаев олимнинг таҳлил усули ва услубий ўзига хослигига тўхталиб, эътироф этилганидек, “маҳоратшунос олим” сифатида таҳлил жараёнида “қайта яратиш” маҳоратига ҳам эътибор қаратади: “Матёқуб Қўшжоновнинг А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор ижодига оид тадқиқотларини кўздан кечираркансиз, яна бир ўзига хосликка – образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келасиз. Танқидчи “Ўткан кунлар”, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Сароб” асарларидаги характерларни худди шу йўсинда таҳлил қилиб, гўё адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратади”².

Адабиётшунослик илмининг асосини илмий-эстетик мезонлар белгилашини асосий қоида сифатида билган олим, аввало, бадиий асардан образларни, унинг асосини ташкил этувчи образлиликни, гўзаллик, нафосат оламига муносабатни излади, таҳлилда асосий эътиборини шунга қаратиб ижод қилди.

Бош образнинг бадиий асардаги ўрни ва аҳамияти “Ўтган кунлар”, “Қутлуғ қон”, “Сароб” ва бошқа романлардаги етакчи қаҳрамонлар образлари орқали эслатилади. Ундан сўнг эса характер тушунчасига тўхталиб, бош қаҳрамонларнинг характер даражасига кўтарилиши ёзувчи

¹ Умутов Ҳ. Таҳлил санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б.78.

² Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 126.

маҳоратининг белгиси сифатида эътироф этилади: “Асарда образнинг мукаммаллашган шакли характердир. Асарда иштирок этган ҳамма образлар характер даражасига кўтарилмаган бўлиши мумкин, бироқ ёзувчи ҳар бир шахс образини характер даражасига кўтариш учун ҳаракат қилади. Характер – бу аниқ ифода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган шахслар образидир”¹.

Бу ўринда мунаққид ортикча тафсилотларсиз характер тушунчасига қисқа ва лўнда, аниқ таъриф беряпти. Бу таърифлар ўқувчига ортикча зўриқишсиз англанади. Ундан кейин келадиган тип ҳақидаги қарашлари ҳам шу жиҳати билан характерли: “Характернинг мукаммал шакли тип... Характер тип даражасига кўтарилсагина, ўз мукаммаллигини сақлай олади. Акс ҳолда ўз вазифасини бажара олмайди”².

Кўринадикки, мунаққид бадиий образга бағишланган ихчамгина лавҳасида системали таҳлилдан фойдаланиб, тушунчанинг моҳиятини китобхонга мукаммал етказишга ҳаракат қиляпти. Ушбу мақоладаги қарашларни схемага солсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: **образлилик → бадиий образ (бош образ, ёрдамчи образ) → характер → тип**. Ушбу схемадан ҳам аён бўляптики, олим бадиий образ тушунчасини унинг етакчи белгилари билан бир бутун ҳолда кетма-кетликда қисқа, лўнда таъриф-тавсифламоқда.

Ушбу фаслда илмийлик билан бадиийликнинг уйғунлиги, образлилик, публицистик руҳ устуворлиги олимнинг барча тадқиқотларига хос етакчи белгилардан экани таҳлиллар билан асосланди.

Тадқиқотнинг “**Мемуар асарларда муаллиф таржимаи ҳоли ва ижтимоий-маиший ҳаётнинг ўзига хос ифодаси**” деб номланган иккинчи боби икки фаслдан иборат. Биринчи фасл “**Эссе-хотираларда адиб болалигининг бадиий-публицистик талқини**” деб номланади. Бу фаслда М.Қўшжоновнинг эссенавислик, хотиранавислик маҳорати “**Дагиш**” асари таҳлили асосида ёритилади. Муаллиф бу номни асарига рамзий маънода қўллайди, зотан Хоразмнинг бир чекка қишлоғида 1923 йилдан 1941 йилгача кечган воқеалар – одамларнинг бир маромда кечаётган турмушини шўро сиёсати туфайли мажбуран янги ўзанга солиниши, бунинг оқибатида уларнинг турмуши издан чиқиб, талайгина фожиалар – очарчилигу қатағонларга йўл очилгани, яъни ижтимоий-сиёсий дагиш ҳодисаси рўй бергани “Дагиш”да реалистик бўёқларда моҳирлик билан чизилади.

Асар бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи. “Дагиш”ни ўқир эканмиз, унда икки тоифадаги нигоҳ уйғунлашган тарзда намоён бўлаётганини ҳис қиламиз. Биринчиси – энди ақл-хушини таниб, одам ва оламни англашга интилаётган бола нигоҳи бўлса, иккинчиси – мана шу бола нигоҳини, унинг характер хусусиятини хотирада жонлантириб, мантиқий таҳлиллар билан асослаб, системага солиб тизимли равишда, образли ифодалар билан бадиий-публицистик усулда китобхонларга тақдим этаётган ҳикоячи – олим-

¹ Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. – Тошкент, 1973. – Б. 178.

² Кўрсатилган манба. – Б. 178 б.

ёзувчини кўрамиз. Бундай хулосага келишимизнинг асосий сабаби муаллифнинг илмий тадқиқотларига хос таҳлил усули, тузилиши, тадқиқотларида илгари сурилаётган муайян концепцияси билан ушбу бадидаги таҳлил ва тасвир жараёни, ифода усулида муайян ўхшашликларнинг муштараклиги билан изоҳланади. Муаллиф асарда ёш Матёқубнинг хотирасида муҳрланиб қолган дастлабки эпизодларни гавдалантирар экан, асарни бошидан охиригача тутиб турадиган ижтимоий ва маънавий асос қилиб **англашни** олади.

Маълумки, М.Қўшжонов адабиётшунос сифатида, аввало ойбекшунос сифатида танилди. У руҳан ҳам Ойбекка яқин инсон эди. Шу боис “Дагиш”да Ойбекнинг “Болалик” асари таъсири сезилиб туради. Бу таъсир, биринчи навбатда, уларнинг оила аъзоларига муносабатида кўзга ташланади. Қизиғи шундаки, Ойбек шаҳарда туғилиб, болалиги ҳам шаҳарда ўтган бўлса, М.Қўшжонов қишлоқда туғилиб ўсган бўлса ҳам, улар яшаган оилавий муҳитда, яшаш тарзида муайян яқинлик бордек туюлади. Ёзувчи асарда ёш Матёқубнинг одамларни ва оламини англаб бориш жараёнини китобхон ёдига солиб туради. Асарда ёш Матёқубнинг дастлаб бувисини, кейин ойисини, дадасини ва кўни-қўшнилариани англай бошлагани деталлаштирилиб ҳикоя қилинади. Қўшжонов бу ўринда айнан “англаш” ҳақида гапирадики, уни оддий таний бошлашдан фарқи сезилиб туради. Буни биз Ойбекнинг “Болалик” қиссасини ўқиганимизда ҳам ҳис қиламиз. Ойбек асарининг бошланмасида ҳам ёш Мусонинг атроф-муҳитни, одамларни англашга бўлган кучли қизиқишини кузатамиз. Қиссада Мусони ўраб турган муҳит, айниқса, бобоси, бувиси, ойиси, ака ва опаси, она томондан бобоси, бувиси, тоғалари билан бўлган муносабатлари, шўхлик билан бўлса-да уларни англашга бўлган интилишлари ўзига хос тарзда ифода этилган. Ёш Мусонинг ширинликка бўлган ўчлиги бувисининг ҳаминиша қулф турадиган сирли сандиғи орқали ифода этилса, ёш Матёқубнинг ширинликка ўчлиги энасининг “товуқ туғди” тадбиркорлиги орқали намоён бўлади. Бу иккала тасвир гарчи ифода йўсинига кўра алоҳида ҳодисадай туюлса-да, лекин бола табиатини кашф этишда ўзаро муштарак ҳодиса экани англашилади. Бинобарин, адиб эссе-хотираларида Ойбек асарларининг таъсир қуввати кучли бўлган. Буни адибнинг ўзи ҳам “Кўнгилда қолиб кетган гаплар” рисоласида эътироф этганидек, “шахсияти – ибрат, ижоди – сабоқ” бўлганини кўрамиз.

Портрет чизишда қаҳрамондан кўра кўпроқ муаллифнинг хотиралари, эсловлари асосий омил бўлаётганини англашимиз мумкин. Буни ёзувчининг қуйидаги эътирофи ҳам тасдиқлайди:

“Ўшандан кейин узоқ вақтлар бошқа бир таассурот ҳам хаёлимдан кетмади. Демак, ёғоч устаси, темир усталари бўлганидек оёқ кийим усталари ҳам бор. Аммо пойабзал ямоқчиси Аамат ямоқчига ўхшаган бўйи калта, бошқа ишга яроқсиз, юз-кўзлари ҳам, қадди-қомати ҳам кўримсиз одам бўлар экан-да, деган тасаввурда бўлдим”¹.

¹ Қўшжонов М. Дагиш. – Тошкент: Халқ мероси, 1996. – Б. 37.

Ушбу эътирофда баён қилинаётган фикр-мулоҳазалар ҳақиқатдан ҳам хотира жанри муайян бир ёшда болалик таассуротларини, кечинмаларини хотирлаш орқали ёзилиши билан бир қаторда муаллифнинг ушбу сатрларни битаётган пайтдаги ҳолатини, кечинмаларини баён этиш имкониятини берадиган жанр эканлигини тасдиқлайди. Бу хотира жанрининг, бир томондан, бадиий асарларга хос образлиликка тааллуқли эканини, бошқа жиҳатдан эса ифодада, баёнда унинг публицистик талқиндан самарали фойдаланганини кўриш мумкин.

“Дағиш” асаридаги темир мантиқнинг яна бир жиҳати шундаки, ёзувчи аста-секинлик билан қаҳрамоннинг ёши улғайган сайин уни фақат одамларни англаш билан чекланмай, балки оламни англашга ўта бошлаганини бадиий-публицистик руҳда асослаб берган.

Муаллиф Хоразм воҳаси, унинг географик жойлашуви, табиати, сув ҳавзалари, одамларнинг яшаш тарзи, деҳқончиликдаги ўзига хосликлар (деҳқончилик учун зарур бўладиган кичик-кичик кўлчаларнинг ҳосил бўлиши) ҳақида сўз юритганда, бошқа манбаларга ҳам мурожаат қилгани сезилиб туради. Бундай ифода усулларида публицистик тасвир устувордир. Буни биз асарнинг “Ола таёғим от бўлур...”, “Баҳор шабадаси”, “Наврўз кунлари”, “Сув келди – сув...” каби боблардаги тасвирларда кўрамыз.

Ёзувчи ушбу мемуар асарида болалик давридан бошлаб катта ҳаётга қадам қўйгунига қадар бўлган даврни тасвирлашни асосий мақсад қилиб олган. У ўз хотиралар қатидаги кечинмаларининг энг характерлиларини саралаб, китобхон учун тушунарли тилда, услубда маърифий асарга айлантирган. Бу асар бизга 20-йиллардан то урушгача бўлган даврдаги Хоразм воҳаси халқининг яшаш тарзи, урф-одатлари, кечинмалари ва фожиалари ҳақида маълумот берадиган ёдномадир. Асар шу жиҳати билан ҳам маърифий аҳамиятга эга.

Бобнинг иккинчи фасли **“Мемуар асарларда уруш ва жангчи қисматининг фожиавий талқини”** деб номланиб, бу қисмда “Тепки босилди” эссе-қиссаси, “Алам” мемуар романи таҳлилга тортилади.

Адибнинг 1990 йилда чоп этилган “Тепки босилди” номли асари хотира ҳикоялардан таркиб топган. Бу асар кейинчалик “Алам” мемуар романи учун асос бўлди. Адиб уруш хотираларини илк бор “Тепки босилди...” хотиралар китобида синовдан ўтказган бўлса, вақт ўтиб, муаллиф ана шу хотира китобни мукаммалаштириб, тўлдириб, “мемуар роман”га айлантирди. Натижада хотиранавис муаллиф 1942 йил июль ойида аскарликка олиб кетилиши воқеаси билан бошланган жангчи хотираларини ўз ичига қамраб олган “Алам” мемуар романида 1945 йил май ойида қишлоғига қайтиб келиши, уруш хотиралари ва қуролдошларининг аччиқ қисмати ҳақида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида хотира кечинмаларини жамлаб, батафсил ёзди.

“Тепки босилди... Снайпер хотиралари” асари муқаддима ва икки бўлимдан ташкил топган. Ўн бобдан иборат биринчи бўлим “Снайпер жангномаси”, иккинчи бўлим эса “Дийдор” деб номланган.

Асар композицияси ва сюжети ўзига хос шаклда намоён бўлган биринчи бўлимда адибнинг, асосан, иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ эсдаликлари

берилган. Ёзувчи ўзи бевосита иштирок этган ёки кўриб-кузатган воқеаларни ҳар бир бобда алоҳида-алоҳида жанг манзаралари кўринишида тасвирлайди. Жанг эпизодлари ёки воқеалар тизими маълум бир тартибда, кетма-кетлик асосида, мантиқан бир-бирига боғлиқ тарзда тасвирланадики, гарчи ҳар бир боб алоҳида бир жанг эпизодини гавдалантирса-да, бироқ боблардаги бундай эпизодлар яхлит сюжет линияси ва композицион бутунликни ҳосил қилган.

Эссе-қиссада ёзувчининг ўткир поэтик нигоҳи яққол сезилиб туради. Дастлабки “Илк жанг сабоқлари” номли бобда муаллиф уруш арафасида жанговар тайёргарликдан ўтгач, ҳамқишлоқ дўсти Напас билан бирга фронтга отланганидаги сафар хотираларини баён қилади. Китобхон ёзувчи нигоҳи орқали бўлиб ўтган оғир жанглардан дарак берувчи вайронагарчиликлар тасвирини кўриб, ҳали уруш кўрмаган аскарларнинг осмонда учбурчак ясаб учаётган душман самолётларидан яшириниб, ўзини ҳар ёққа уриб бекинишлари, теварак-атрофда бот-бот портлаётган снарядлар даҳшатидан эсанкирашлари, хуллас, ҳақиқий жанг манзаралари билан танишиб, китоб руҳига кириб боради. Жангга энди кирган тажрибасиз жангчига хос хавотир ва руҳий ҳолатлар ёзувчи томонидан моҳирлик билан тасвирланган.

Бу асарда уруш мавзусида ёзилган роман ёки қиссалардаги каби бадиий лавҳалар, тўқима эпизодлар учрамайди. Унда хотираларга асосланилгани боис, қисқа-қисқа жанг тафсилотлари, руҳий кечинма, ўй-хаёллар, асосан, эссе жанрига хос бадиий-публицистик ифодалар воситасида акс эттирилади.

Муаллифнинг таъкидлашича, ён дафтарчасига битган айрим хотиралари ҳозиргача сақланиб қолган. Бундан ташқари, уруш хотираларини батафсил ёзишида полкдош дўсти Аҳмаджон Азизов ҳам яқиндан ёрдам берган. Ва ниҳоят бу асарларнинг яратилишида асосий омиллар – адибнинг **ёзувчилик салоҳияти, ўткир поэтик нигоҳи, истеъдоди** билан белгиланади.

Ёзувчи урушнинг шафқатсизлигини характерли эпизодларда, жонли лавҳаларда ёрқин тасвирлаб бера олган. Ёзувчи кўз ўнгида бир умрга муҳрланиб қолган довьорак йигитнинг сиймосини, портретини ёрқин тасвирлайди.

Асарда Вася фожиаси шундай тасвирланади: “Эмаклаб, тупроқ уюмига чиққан ҳам эдики, қарсиллаган бир нарса унга урилди-да, у тупроқни қучоқлаганича жим қолди. Чаккасидан сизиб оқаётган қон юзини бўяб, тупроққа сингий бошлади.

– Снайпер отди, – деди дўстим Напас”¹.

Ушбу тасвирдаги ёзувчининг маҳорати туфайли китобхонга ҳам қадрдон бўлиб қолган Васянинг ўлими гарчи тафсилотларсиз, ортиқча бадиий бўёқларсиз кўрсатилган бўлса-да, китобхон қалбини ларзага солади.

Бундай ёрқин тасвирланган образлар асарда қўплаб учрайди. Хусусан, катта лейтенант Алексей Кочегаровнинг снайперликдан ташқари овчилик билан ҳам қизиқиши, овчилик санъатини эгаллашга даъватлари, гапириш

¹ Қўшжонов М. Тепки босилди... – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – Б. 16.

усулидаги ўзига хос оҳангини ҳам алоҳида бир характер сифатида тасвирлайдики, бу ҳам ёзувчи маҳоратини кўрсатади.

Мунаққид Ўрол Ўтаев “Танқид ва услуб” китобида М.Қўшжонови снэйперлик фаолияти ҳақида шундай ёзади: “Хуллас, мерган Матёқуб Қўшжонов шу тариқа Вичего шаҳри учун бўлган жангларнинг ўзида 63 та немис офицерини гумдон қилди.

Шу хизматлари эвазига мерган Матёқуб Қўшжонов “II даражали Улуғ Ватан уруши” ордени ҳамда “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди”¹.

Ахборот тариқасида ёзилган “63 та немис офицерини гумдон қилди” деган маълумот, бир қарашда, М.Қўшжоновнинг снэйперлик маҳорати ва душманга қаҳр-ғазабини ифодалаётгандай туюлса-да, психологик ҳолатлар таҳлилларисиз, куруқ санокнинг баёнидан иборат бўлиб қолгани, эҳтимол, китобхонда бошқачароқ таассурот уйғотиши мумкин. Лекин ёзувчи хотираларида тасвирланган душман билан “дуэл”лари жараёнидаги руҳий-психологик ҳолатлар, нишонни йўқ қилишдаги изчил, тинимсиз кузатишлари пойлашларидан ташқари, муаллифнинг кўнгил иқрорномалари юқоридаги санокнинг ҳар бирида жуда катта руҳий босим ва изтироблар борлигидан далолат беради. Китобнинг бир ўрнида муаллиф шу ҳақда мулоҳаза юритиб, ҳатто товук сўйишга ҳам кўли бормаслигини, ҳайвонларни, масалан, кўйларни сўйишаётганда ҳатто яқинига ҳам йўламаслигини ёзади. Лекин мерган сифатида одам овлаш, уни отиб ўлдирish – бу кучли руҳий босим остида рўй берадиган ҳодиса эканлигини унутмаслик лозимлигини изтироб билан куйидагича баён этади: “Бугун мен одам ўлдирдим, оддий жонивор эмас, ўлдирганда ҳам кўра-била туриб, устига-устак уни неча кунлар излаб, бекинган жойидан топиб ўлдирдим. Ҳа, одам ўлдирдим!”²

Асарда муаллифнинг ҳам илмий, ҳам бадиий-публицистик асарларига хос бўлган муштарак жиҳатларини белгилайдиган энг муҳим омил, аввало, унинг шахсиятидаги, характер хусусиятидаги кузатувчанлик ва талқин қилиш салоҳияти билан боғлиқ эканини англаймиз.

Муаллифнинг бу борадаги тасвирлари, мулоҳазалари китобхонга М.Қўшжонов феномени ҳақида муайян тасаввур беради. Бир қарашда М.Қўшжонов табиатида хос бўлган овчилик ва мерганлик салоҳияти билан унинг илмий ва бадиий-публицистик ижоди ўртасида алоқадорлик йўқдай туюлади. Лекин масаланинг моҳиятига теранроқ назар ташласак, мерганлик салоҳияти, энг арзимасдек туюлган майда деталларни ҳам назардан қочирмаслик ва сабр-тоқат унинг ижодий изланишларида ҳам муҳим асосий омил бўлиб хизмат қилганини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан, олимларимиз кўп бора таъкидлаганларидек, мунаққиднинг урушда душман билан яккама-якка олиб борган “дуэли”даги кузатувлари билан бадиий асарни баҳолашдаги, талқин этишдаги синчилиги ўртасида муайян муштарак алоқа бор, десак янглишмаймиз.

¹ Ўтаев У. Танқид ва услуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 106.

² Қўшжонов М. Тепки босилди... – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – Б. 80.

“Алам” мемуар романида ёзувчи “Тепки босилди...”да айтишга улгурмаган воқеа-ҳодисаларни янги хотиралар билан бойитиб, соф публицистик асарни бадиий-публицистик мемуар роман даражасига олиб чиқади. Зарур ўринларни таҳрир қилиб, миллий менталитетимизга яқинлаштиради. Асарнинг дебочаси ҳам қайта ёзилган. “Тепки босилди...”да воқеалар қаҳрамоннинг тўғри фронтга йўл олган кунидан бошланган бўлса, “Алам”да унинг қишлоғидан Тошхөвүзгача келиши, у ерда ота-онаси, қариндош-уруғлари қуршовида бир неча кун бўлиб, уни фронтга кузатиб қолишларигача батафсил тасвирланган. Шунингдек, асарда таҳрир орқали айрим ибораларга ўзгартиришлар киритилган.

